

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.ФМ/Т.01.12 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

АСАТОВА УМИДА ПАЛВАНОВНА

**ТОР ЗОНАЛИ $Ge_{1-x}Sn_x$, $(InSb)_{1-x}(Sn_2)_x$ ҚАТТИҚ ҚОРИШМАЛАРИ
ВА УЛАРНИНГ ФОТОЭЛЕКТРИК ХОССАЛАРИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
physical-mathematical sciences**

Асатова Умида Палвановна

Тор зонали $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$, $(\text{InSb})_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$ қаттиқ қоришмалари ва уларнинг
фотоэлектрик хоссалари 3

Асатова Умида Палвановна

Узкозонные твердые растворы $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$, $(\text{InSb})_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$ и их
фотоэлектрические свойства..... 21

Asatova Umida Palvanovna

Narrow-gap $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$, $(\text{InSb})_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$ solid solutions and their photoelectric
properties..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.ФМ/Т.01.12 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

АСАТОВА УМИДА ПАЛВАНОВНА

**ТОР ЗОНАЛИ $Ge_{1-x}Sn_x$, $(InSb)_{1-x}(Sn_2)_x$ ҚАТТИҚ ҚОРИШМАЛАРИ ВА
УЛАРНИНГ ФОТОЭЛЕКТРИК ХОССАЛАРИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/FM143 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч Давлат университети ва Физика-техника институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (ispm.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Усмонов Шукрулло Негматович
физика-математика фанлари доктори

Расмий оппонентлар: Шаробаев Носир Юсупжонович
физика-математика фанлари доктори, профессор
Тургунов Нозимжон Абдуманипович
физика-математика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.FM/T.01.12 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «22» маб соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100057, Ўзбекистон, Тошкент ш., Янги Олмазор кўчаси, 20-уй, Тел.: (+99871)248-79-94, факс: (+99871)248-79-92, e-mail: info@ispm.uz)

Диссертация билан Ахборот технологияларини жорий этиш бўлимида танишиш мумкин. (22 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100057, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй. Тел.: (+99871) 248-79-59; e-mail: info@ispm.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «10» маб куни тарқатилди.
(2021 йил «10» маб даги 22 рақамли реестр баённомаси).



Ш.Б. Утамурадова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф-м.ф.д., профессор

Ж.Ж. Хамдамов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, PhD

З. Т. Азаматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф. д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги даврда жаҳон амалиётида яримўтказгич материалшунослиги ва оптоэлектрон асбобсозлиги соҳаларида элементар яримўтказгичлар билан бир қаторда $A^{III}B^V$ бинар бирикмалар қаттиқ қоришмалари ҳам кенг кўламда фойдаланиб келинмоқда. Улар орасида айниқса, нурланиш спектрининг яқин (тўлқин узунлиги 3 мкм гача) ва ўрта (8÷11 мкм) инфрақизил диапазонига тўғри келувчи фундаментал ютиш соҳасига эга бўлган яримўтказгич материаллар ўз ўрнига эга. Бундай материаллар термофотоэлектр генераторлар, термовольтаик элементлар, инфрақизил нурланиш датчиклари, тепловизорлар ва шунга ўхшаш қурилмаларни ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё миқёсида тор зонали яримўтказгичли қаттиқ қоришмаларнинг эпитаксиал қатламларини ўстиришда Ge (тақиқланган зонасининг кенглиги - $E_g = 0.67$ эВ) ва унинг Sn билан қаттиқ қоришмаси ($E_g < 0.67$ эВ), шунингдек, InSb ($E_g = 0.18$ эВ) ва унинг Sn билан қаттиқ қоришмаси ($E_g < 0.18$ эВ) истиқболли материаллардан ҳисобланади. Шу сабабдан бошқариладиган таркибли ва кристалл мукамалликка эга кўп компонентали яримўтказгичли қаттиқ қоришмаларнинг юпқа қатламларини ўстириш, шунингдек, уларнинг структуравий, электрофизик ва фотоэлектрик хусусиятларини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада суюқ фазадан $Ge_{1-x}Sn_x$ ва $(InSb)_{1-x}(Sn_2)_x$ қаттиқ қоришмаларни ўстириш технологияларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда қаттиқ қоришмаларнинг эпитаксиал қатламларини олиш технологиясига, шунингдек яримўтказгич материаллар ва улар асосидаги асбоблар структураларининг хусусиятларини комплекс ўрганиш борасида муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада турли хил ёт тагликларда тор зонали яримўтказгичли қаттиқ қоришмаларнинг монокристалл эпитаксиал қатламларини ўстириш ва улар асосида инфрақизил соҳада сезгирлиги юқори бўлган кўп қатламли структуралар олишга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... мутлақо янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, шу асосда маҳаллий товарларнинг ташқи ва ички бозорларда рақобатбардошлигини таъминлаш»¹ вазифалари белгиланган. Мазкур йўналишда микроэлектроника қурилмаларини ишлаб чиқариш учун зарур электрофизик хусусиятларга эга бўлган янги яримўтказгич материаллар - қаттиқ қоришмаларни яратиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ 2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги ПФ 4947-сонли фармони.

этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 14 июлдаги ПҚ 3855-сон «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 30 майдаги ПҚ 4348-сон «Электротехника саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт шароитлар яратиш ва тармоқнинг инвестициявий ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияни ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Энергия, энергия ресурсларини тежаш, транспорт, машинасозлик ва асбобсозлик; замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника, электрон асбобсозликни ривожлантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунга қадар Ge, Sn, InSb ва InAs асосидаги тор зонали қаттиқ қоришмаларнинг эпитаксиал қатламларини ўстириш ва уларнинг структуравий, фотоэлектрик хусусиятларини тадқиқ қилиш муаммолари қуйидаги илмий марказларда ўрганилган: Max Planck Institute of Microstructure Physics, Institute of Physics, Martin Luther University Halle Wittenberg (Германия), Eco Topia Science Institute, Nagoya University, Department of Crystalline Materials Science, Graduate School of Engineering, Institute for Advanced Research (Япония), Department of Electrical and Computer Engineering, University of Delaware, Department of Physics and Astronomy, Rutgers University (США), А.Ф. Иоффе номидаги Физика-техника институти, Россия ФАнинг микроструктуралар физикаси институти (Россия), ЎзР ФА нинг Физика-техника институти (Ўзбекистон).

Юқори миқдордаги Sn ли $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ қаттиқ қоришмаларнинг қатламлари турли усуллар ёрдамида ўстирилган. Америкалик олимлар Nupur Bhargava, Matthew Coppinger, Jay Prakash Gupta молекуляр нурли эпитаксия усули билан 250°C дан паст ҳароратда Ge (001) тагликларида $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ ($0 \leq x \leq 0.145$) эпитаксиал қатламларни ўстиришган. Қатламларнинг тузилиши когерент, юқори сифатли, кучланишга эга бўлган. Қаттиқ қоришма таркибининг $0 \leq x \leq 0.145$ бутун ўзгариш оралиғида кристалл панжара тугунларида жойлашган Sn атомлари миқдори 90% дан юқорини ташкил қилган. Япон олимлари Osamu Nakatsuka, Yosuke Shimura va Wakana Takeuchi молекуляр нурли эпитаксия усули билан Si (110), Ge (001) ва InP (001) тагликларида Sn миқдори юқори (27% гача) бўлган юпқа $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ эпитаксиал қатламларни ўстиришган. $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ эпитаксиал қатламларни ўрганиш бўйича кўплаб илмий натижаларга эришилганлигига қарамасдан, мукамал $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ монокристалл қатламларни ўстириш хусусиятлари, уларни

структуравий ва фотоэлектрик хусусиятлари, шунингдек улар асосидаги *p-n*-структураларда электр токининг ўтиш механизмлари тўлиқ ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Физика-техника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № ФА-Ф2-Ф030 + Ф096 “ZnS, ZnSe, ZnTe, GaSb, Si, Ge, SiC асосидаги қаттиқ қоришмаларни ўстириш ва уларнинг фотоэлектрик ва люминесцент хусусиятлари”; Ф2-ФА-0-43917 “Si, Ge, GaSb, InSb, GaP, GaAs, ZnSe, ZnS, SiC, олмос асосидаги янги қаттиқ қоришмалар ва гетероструктураларнинг вольтаик, нурланиш хусусиятлари, нанодефектлари” илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ ($0 \leq x \leq 0.03$) ва $(\text{InSb})_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$ ($0 \leq x \leq 0.05$) қаттиқ қоришмалар ва улар асосидаги *p-n* гетероструктураларнинг структуравий, электрофизик ва фотоэлектрик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

$\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ и $(\text{InSb})_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$ ўрин алмашувчи қаттиқ қоришмаларни олиш режимларини ишлаб чиқиш;

суяқ фазадан Ge (111) тагликларга $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ ва GaAs (100), Ge (100) ва GaP (111) тагликларга $(\text{InSb})_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$ ($0 \leq x \leq 0.05$) қаттиқ қоришмаларнинг эпитаксиал қатламларини ўстириш;

$\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ ва $(\text{InSb})_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$ қаттиқ қоришмалар эпитаксиал қатламларининг кимёвий таркибини ва кристалл мукамаллигини аниқлаш;

ток ўтказувчи контактли *n-Ge-p-Ge* $_{1-x}\text{Sn}_x$, *n-GaAs-p-(InSb)* $_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$, *n-Ge-p-(InSb)* $_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$, *n-GaP-p-(InSb)* $_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$, гетероструктураларни тайёрлаш;

$\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ ва $(\text{InSb})_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$ қаттиқ қоришмалар асосида тайёрланган *p-n* гетероструктураларда ток ўтиш механизмларини ва фотосезгирликнинг спектрал боғлиқликларини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ ва $(\text{InSb})_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$ қаттиқ қоришмаларнинг эпитаксиал қатламлари ва улар асосидаги гетероўтишлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ ва $(\text{InSb})_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$ қаттиқ қоришмаларнинг таркибий қисмларини атомлараро ва молекулалараро ўрин алмашиниш ҳодисалари, шунингдек бундай қаттиқ қоришмалар асосида яратилган гетероструктуралардаги ток ўтиш механизмлари ва фотовольтаик жараёнлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни ечиш учун қуйидаги усуллар қўлланилган: $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ ва $(\text{InSb})_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$ қаттиқ қоришмаларнинг эпитаксиал қатламларини структуравий мукаммалиги рентген нурланиши дифракцияси усули, эпитаксиал қатламларнинг химик таркиби ва таркибий қисмларнинг атомларини сирт ва қалинлик бўйича тақсимланишини сифат жиҳатдан баҳолаш рентген микронзондли таҳлил усули, $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ қаттиқ қоришмаларнинг эпитаксиал қатламлари сирти рельефи атом куч микроскопияси, заряд ташувчиларнинг ҳаракатчанлиги Холл усули, қаттиқ

қоришмалар таркибий қисмларининг аҳамияти ва структураларнинг спектрал фотосезгирликлари фотоўтказувчанликни спектрал боғланиши, $(\text{InSb})_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$ қаттиқ қоришма қатламининг тақиқланган зонаси кенглигини баҳолаш фотоютилишни спектрал боғланиши, $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ ва $(\text{InSb})_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$ қаттиқ қоришмалар эпитаксиал қатламлари асосидаги структураларда ток ўтиш механизмлари вольт ампер характеристикани таҳлил қилишнинг замонавий усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мукамал монокристалл структурага эга, панжара доимийси 5.6812 \AA бўлган ва (111) ориентацияли $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ ($0 \leq x \leq 0.03$) қаттиқ қоришмаларни $740 \div 450^\circ\text{C}$ ҳарорат оралиғида ва 1 град/мин совитиш тезлигида суюқ фазадан ўстиришнинг технологик режими ишлаб чиқилган;

илк бор индий антимоиднинг бинар бирикмаси индийда $250 \div 325^\circ\text{C}$ ҳарорат интервалида эритилганда InSb молекуласи шаклида бўлиши аниқланган;

илк бор $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ ($0 \leq x \leq 0.03$) эпитаксиал қатлам юзасида диаметри $100 \div 400 \text{ нм}$ ва баландлиги эса $5 \div 20 \text{ нм}$ бўлган алоҳида нанокристаллитлар ҳосил бўлиши аниқланган;

Sn атомлари таъсирида $n\text{-Ge-p} - \text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ ($0 \leq x \leq 0.03$) структуранинг фотосезгирлик чегараси германийли электрон-ковак ўтишга нисбатан 0.27 эВ га нурланиш спектрининг узун тўлқинли соҳасига силжиши ва нурланиш спектрининг 0.4 эВ фотонлар энергиясидан бошланиши аниқланган;

$(\text{InSb})_{0.95}(\text{Sn}_2)_{0.05}$ қаттиқ қоришманинг кристалл панжараси тугунларида Sn атомлари жойлашиши сабабли, унинг тақиқланган зонаси кенглиги InSb бинар бирикманинг тақиқланган зонаси кенлигидан 0.07 эВ га кичик бўлиши ва 0.11 эВ ни ташкил қилиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

$n\text{-Ge}$ тагликларида суюқ фазадан $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ ($0 \leq x \leq 0.03$) қаттиқ қоришманинг эпитаксиал қатламларини олишнинг оптимал технологик режими ишлаб чиқилган;

$(\text{InSb})_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$ ($0 \leq x \leq 0.05$) қаттиқ қоришманинг эпитаксиал қатламлари асосида $8 \div 11 \text{ мкм}$ тўлқин узунликлар диапазонидаги инфрақизил нурланишга сезгир датчиклар ва тепловизорларни ишлаб чиқариш имконияти аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий ўлчаш воситалари ва тадқиқот усуллари кўлланилганлиги, экспериментал ва ҳисобланган маълумотларни бошқа муаллифларнинг назарий натижалари билан мувофиқлиги, шунингдек олинган натижаларни замонавий физик моделлар асосида тавсифланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти молекуляр ўрин алмашиш қаттиқ қоришмаларнинг эпитаксиал қатламларини ўсиш механизмлари ва структуравий хусусиятлари, тор зонали қаттиқ қоришмалар асосида тайёрланган электрон-ковак ўтишлардаги ток ўтиш механизмлари ҳақидаги тасавурларни аниқлаштириш ва такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ge тагликларига ўстирилган $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ ($0 \leq x \leq 0.03$) қаттиқ қоришмалар самарадор фотоўзгарткичларни, GaAs, Ge ва GaP тагликларига ўстирилган $(\text{InSb})_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$ ($0 \leq x \leq 0.05$) қаттиқ қоришмалар эса фотодатчиклар ва тепловизорларни ишлаб чиқаришда қўлланилишидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

$\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ ($0 \leq x \leq 0.03$), $(\text{InSb})_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$ ($0 \leq x \leq 0.05$) қаттиқ қоришмаларнинг структуравий, электрофизик, фотоэлектрик хусусиятлари ва улар асосидаги *p-n* гетероструктураларда ток ўтиш механизмлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

суяқ фазали эпитаксия усули билан (111) йўналишли, панжара доимийси 5.6812 \AA , Ge таглик ва қаттиқ қоришма панжара доимийлари орасидаги номувофиқлик 0.0044 бўлган $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ қаттиқ қоришманинг мукамал монокристалларини $740 \div 450^\circ\text{C}$ харорат оралиғида, 1 град/мин совитиш тезлигида ўстириш усулидан, шунингдек, Sn атомлари туфайли *p-Ge-p-Ge* $_{1-x}\text{Sn}_x$ ($0 \leq x \leq 0.03$) гетероструктура фотосезгирлигини германийли электрон-ковак ўтишларниқига нисбатан нурланиш спектрининг узун тўлқин соҳаси томон 0.27 эВ га силжишидан «FOTON» акционерлик жамиятида гетеро электрон-ковак ўтишлар ва яримўтказгичли пластиналар олишда қўлланилган («Ўзэлтехсаноат» акционерлик жамиятининг 2020 йил 11 мартдаги №04-1/680-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш электрофизик параметрлари инфрақизил фотоприёмниклар аналоглари даражасидаги тажрибавий намуналарни тайёрлаш имконини берган;

инфрақизил нурланиш фотодатчиклари ва тепловизорлар ишлаб чиқаришда GaAs, Ge и GaP тагликларга ўстирилган $(\text{InSb})_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$ ($0 \leq x \leq 0.05$) қаттиқ қоришмаларни қўллаш бўйича тавсиялар Italia Syntes Alloys компанияси заводида инфрақизил нурланишнинг ўрта диапазони учун фотоэлектрик ўзгарткичларни ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнида фойдаланилган (Italia Syntesalloys S.p.A Codice Fiscale-Partita Iva 02494460021-Numero REA BI-192088, Biella, 2021 йил 28 январдаги маълумотнома). Илмий натижалардан фойдаланиш $8 \div 11$ мкм тўлқин узунлигидаги инфрақизил нурланишнинг самарадор фотодатчикларини ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 9 та халқаро ва 7 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда маъруза ва муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича асосий натижалар 28 та илмий ишда, улардан 8 таси диссертация ишларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда, шу жумладан 4 та мақола хорижий халқаро журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 33 та расм, 3 та жадвални ўз ичига олган ҳолда, 109 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси очиб берилган, тадқиқот мақсади ва вазибалари белгиланган, тадқиқот объектлари, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, ишни апробациядан ўтганлиги ва нашр қилиниши, шунингдек диссертациянинг ҳажми ва тузилиши тўғрисида қисқача маълумот берилган.

“Германий, қалай ва А^{III}В^V бинар бирикмалари асосидаги тор зонали қаттиқ қоришмаларни ўстиришнинг ва уларнинг структуравий, электрофизик ва фотоэлектрик хусусиятларини тадқиқ қилишнинг ҳозирги ҳолати” деб номланган биринчи бобда Ge, Sn ва бинар бирикмалар InAs, InSb, GaSb асосидаги қаттиқ қоришмаларни ҳосил бўлиш имкониятлари бўйича адабиётлар шарҳи берилган; суюқ фазали эпитаксия, металлорганик бирикмалардан газ фазали эпитаксия ва молекуляр нурли эпитаксия каби ўстиришнинг турли хил технологик усуллари кўрилган; ўстиришнинг ҳозирги ҳолати, шунингдек, тор зонали яримўтказгичли қаттиқ қоришмаларнинг структуравий ва электрофизик хусусиятлари таҳлил қилинган; Ge_{1-x}Sn_x қаттиқ қоришма қатламлари ва улар асосидаги гетероструктураларнинг электрофизик ва фотоэлектрик хусусиятларини ўрганиш натижалари тақдим этилган; замонавий асбобсозликда ва нурланиш спектрининг инфрақизил (ИК) соҳасида ишлайдиган қурилмаларда тор зонали яримўтказгичлардан фойдаланиш бўйича маълумотлар келтирилган.

“Ge_{1-x}Sn_x ва (InSb)_{1-x}(Sn₂)_x қаттиқ қоришмаларнинг суюқ фазали эпитаксияси хусусиятлари” деб номланган иккинчи бобда Ge_{1-x}Sn_x ва (InSb)_{1-x}(Sn₂)_x қаттиқ қоришмаларнинг эпитаксиал қатламларини суюқ фазали эпитаксия усули билан ўстириш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Ge_{1-x}Sn_x қаттиқ қоришма суюқ фазали эпитаксия усули билан чегараланган ҳажмли қалайли қоришма-эритмасидан водород атмосферасида ўстирилган. Суюқ фазали эпитаксия жараёни горизонтал жойлашган тагликларга эга вертикал кварц реакторида ўтказилган. Таглик сифатида (111) кристаллографик йўналишга ва 1 Ом·см солиштирма қаршиликка эга бўлган Ge шайбаларидан фойдаланилган. Тагликнинг диаметри 20 мм, қалинлиги 400 мкм ни ташкил қилган. Эпитаксия қатламлари суюқ фазали эпитаксия жараёни параметрларининг ҳар хил қийматларида ўстирилган. Қоришма-эритма таркиби, қоришма-эритмани мажбурий совутиш тезлиги,

кристалланиш бошланадиган ҳарорат ва қоришма-эритма қалинлиги (юқори ва пастки тагликлар орасидаги масофа) ўзгартириб борилган.

Қаттиқ қоришма таркибидаги Sn атомлари миқдори кристалланиш бошланадиган ҳароратга ва қоришма-эритманинг таркибига боғлиқлиги аниқланган. Бир хил шароитда кристалланиш бошланадиган ҳарорат ортиши билан $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ қаттиқ қоришма таркибида Sn атомларини миқдорининг ортиши кузатилган. $\text{Ge}+\text{Sn}+\text{ZnSe}$ қоришма-эритмадан ўстирилган қаттиқ қоришмада Sn атомлари миқдори кристалланиш бошланадиган ҳарорат 740°C да бўлганда 10 ат.% ни, 540°C да эса 3 ат.% ни ташкил қилган.

Совитиш тезлиги $0.5\div 1.0$ град/мин бўлганда сифатли қатламларнинг ўсишига эришилган. Бир хил шароитда эпитаксиал қатламларнинг мукамаллиги юқори ва пастки тагликлар орасидаги қоришма-эритма қалинлигига ҳам боғлиқ бўлган. Қоришма-эритма қалинлиги 0.65 дан 1 мм гача бўлганда эпитаксиал қатламлар мукамал монокристалл структурага эга бўлган.

InSb ва Sn_2 молекулаларининг қаттиқ қоришма ҳосил қилиши мумкинлиги молекулалар атомларининг ковалент радиуслари йиғиндиси ($r_{\text{In}} + r_{\text{Sb}} = r_{\text{Sn}} + r_{\text{Sn}} = 2.80 \text{ \AA}$) ва валентликлари йиғиндиси ($z_{\text{In}} + z_{\text{Sb}} = z_{\text{Sn}} + z_{\text{Sn}} = 8$) ўзаро тенглиги билан асосланган. 1-расмда $(\text{InSb})_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$ қаттиқ қоришма атомларини тетраэдрик ковалент боғлари кўрсатилган. 1-расмдан кўриняптики, тетраэдрик панжарада қаттиқ қоришма компоненталарининг асосий ковалент боғлари - In-Sb ва Sn-Sn билан бирга, яна In-Sn ва Sn-Sb боғлари ҳам мавжуд.


$(\text{InSb})_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$ қаттиқ қоришмани ўстириш учун InSb ва Sn орасида молекуляр ўрин алмашиш содир бўлиши керак, яъни InSb молекуласи Sn_2 молекуласи билан ўрин алмашиши керак.

$(\text{InSb})_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$ қаттиқ қоришмани суяқ фазали эпитаксияси учун эритувчи сифатида In олинган. Нормал шароитда In, InSb , Sn ларни эриш ҳароратлари мос равишда 156.6°C , 527°C ва 231.9°C га тенг. InSb ни суяқ In даги, $220\div 400^\circ\text{C}$ ҳарорат оралигидаги эрувчанлиги, эритма InSb билан тўйингунга қадар ушлаб турилганда намуналарнинг оғирлигини йўқотиш усули билан аниқланган. Бунда Sn ни InSb ни эрувчанлигига таъсири ҳисобга олинган. Тажриба натижаларига кўра InSb ни In даги эрувчанлиги унча катта эмас ва 350°C ҳароратда 7.4 моль % ни ташкил қилади.


Проф. А.С. Саидов моделига кўра, InSb 350°C ҳароратда индийда эритилганда молекула кўринишида бўлади (2а-расм). InSb молекуласини алоҳида In ва Sb атомларига ажралиши (2б-расм), InSb ни индийдаги эрувчанлигини Sb ни индийдаги эрувчанлигига мос келишини билдиради. Аммо 350°C да Sb ни In даги эрувчанлиги ~ 12 моль % га тенг. У ҳолда 350°C да InSb ни In даги эрувчанлиги ҳам 12 моль % бўлиши керак эди. Лекин бундай ҳолат кузатилмаган, демак, 350°C да In да эриган InSb асосан молекула кўринишида бўлади.

$(\text{InSb})_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$ қаттиқ қоришмалари In қоришма-эритмадан H_2 атмосферасида ўстирилган. Таглик сифатида диаметри 2 см, қалинлиги

350÷400 мкм, n типдаги ўтказувчанликка эга бўлган GaAs, Ge ва GaP шайбалари ишлатилган. GaAs ва GaP тагликларда заряд ташувчилар концентрацияси $(4\div 7)\cdot 10^{17}\text{см}^{-3}$ га, Ge тагликнинг солиштирма қаршилиги 1 Ом·см га тенг. Юқори ва пастки тагликлар орасидаги қоришма-эритма қалинлиги 1 мм, кристалланиш ҳарорати оралиғи $325\div 220^\circ\text{C}$ ва қоришма-эритманинг совитиш тезлиги 1 град/мин бўлганда силлиқ кўзгусимон сиртга ва юқори кристалл мукамалликка эга бўлган $(\text{InSb})_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$ қаттиқ қоришманинг эпитаксиал қатламлари ўстирилган. Ўстирилган қатламлар ковак ўтказувчанликка ва (100) ориентацияли монокристалл структурага эга бўлган.



1-расм. $(\text{InSb})_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$ ўрин алмашувчи қаттиқ қоришмасининг тетраэдрик боғлари.




2-расм. Индий антимоидининг эриши:
 а) InSb молекулалари кўринишида,
 б) алоҳида In ва Sb атомлари кўринишида.

$\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ қаттиқ қоришма эпитаксиал қатламларнинг ва улар асосидаги структураларнинг структуравий, электрофизик, фотоэлектрик хусусиятлари деб номланган учинчи бобда $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ ($0 \leq x \leq 0.03$) қаттиқ қоришманинг юпқа қатламлари ва улар асосидаги *p-n*-ўтишларнинг структуравий, электрофизик ва фотоэлектрик хусусиятлари бўйича экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган.


Сирт ва ён томондан олинган рентген микрозондли таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, эпитаксиал қатламларда иккинчи фаза ва металл аралашмалар мавжуд эмас. Эпитаксиал қатламнинг сирти ва ён томонида Ge ва Sn атомларининг тақсимооти микрон ўлчамлар тартибида бир жинсли. Қатлам сирти кўзгусимон силлиқ. 3-расмда $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ ($0 \leq x \leq 0.03$) қаттиқ қоришма қатламининг ён томонидан олинган рентген растр манзараси келтирилган. 3 б - расм Ge тагликларига етарлича ёпишган $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ қаттиқ қоришма қатламининг ҳосил бўлганини кўрсатди.

$\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ ($0 \leq x \leq 0.03$) қаттиқ қоришманинг структуравий мукамаллиги ДРОН-УМ1 рентген дифрактометри ($Cu_{K\alpha}-\lambda=1.5418 \text{ \AA}$ тўлқин узунликли нурланиш) ёрдамида ўрганилган. 4-расмда қаттиқ қоришма қатламининг рентгенограммаси тасвирланган. Рентгенограммада $\{222\}$ сериядаги тор, интенсив, селектив рефлексларнинг мавжудлиги эпитаксиал қатламнинг кристаллографик йўналиши (111) кристаллографик текисликка мос келишидан далолат беради. $2\theta = 56.36^\circ$ ($d/n = 1.84 \text{ \AA}$)да кузатилаётган,

нисбатан кичик интензивликка эга бўлган иккинчи $\alpha(222)_{\text{GeSn}}$ рефлекс, рентген нурларини $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ панжарасининг $\{222\}$ серия текисликларидан қайтиши туфайли ҳосил бўлган бўлиб, у $\omega_{\text{пол}} \approx 4.1 \cdot 10^{-4}$ рад ярим кенгликка эга. Селектив рефлекслар кенглигини торлиги ва рентген нурланишларнинг диффуз қайтишлари мавжуд эмаслиги эпитаксиал қатлам кристалл панжараси юқори даражада мукамалликка эга эканлигини кўрсатади.




3-расм. $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ ($0 \leq x \leq 0.03$) қаттиқ қоришма эпитаксиал қатламлари ён томонининг манзараси.



4-расм. $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ ($0 \leq x \leq 0.03$) қаттиқ қоришма эпитаксиал қатламининг рентгенограммаси.

$\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ қатламлар сиртининг рельефи атом куч микроскопи ёрдамида ўрганилган. Қатламнинг силлиқ сиртида турли ўлчамда ва алоҳида жойлашган «дўнгликлар» мавжудлиги аниқланган (5- расм). «Дўнгликлар» асосининг диаметрлари ~ 100 дан 400 нм гача, баландлиги 5 дан 20 нм гача ўзгаради. Қатлам сиртнинг силлиқ қисмини ғадир-будирлиги ~ 3 нм дан ошмайди. Қаттиқ қоришма панжарасининг (222) текислигида дифракция содир бўлганда юзага келадиган структуравий рефлекслар кенглигининг торлиги, бошқа рефлекслар ва диффуз қайтишлар мавжуд эмаслиги шундан далолат берадики, «дўнгликлар» (111) йўналишга эга бўлган нанокристаллар бўлиб, улар қаттиқ қоришма кристалл панжарасининг матрицаси билан когерент жойлашган. Наноўлчамдаги «дўнгликлар»ни ҳосил бўлиши суяқ фазадан эпитаксия қатламларининг ўсиши давомида юзага келувчи ўз-ўзини шакллантириш жараёнлари натижасидир. Нанокристаллар ковалент радиуслар ($r_{\text{Ge}} = 1.22 \text{ \AA}$ ва $r_{\text{Sn}} = 1.40 \text{ \AA}$) фарқи туфайли ҳосил бўладиган кристалл панжаранинг механик кучланишларини бартараф этади.



5-расм. $\text{Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ ($0 \leq x \leq 0.03$) қаттиқ қорышма эпитаксиал қатламининг икки ўлчамли (а) ва уч ўлчамли (б) АСМ тасвирлари.

$p\text{-Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ дан иборат бўлган, $d = 15$ мкм қалинликдаги база соҳали $n\text{-Ge-p-Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ ($0 \leq x \leq 0.03$) гетероструктуранинг вольт-ампер характеристикаси (ВАХ) ўрганилган (6-расм). ВАХ тўғри тармоғининг бошланғич соҳаси ($V < 0.5$ В) В.И. Стафеев таклиф қилган боғланиш билан тавсифланади:

$$I = I_0 \exp(qV / ckT) \quad (1)$$

(1) боғланиш А.Ю. Лейдерман томонидан аниқлаштирилган ва қуйидаги ифода олинган:

$$c = \frac{2b + ch(d / L_n) + 1}{b + 1} \quad (2)$$


бу ерда, $b = \mu_n / \mu_p$, μ_n ва μ_p - мос равишда электрон ва ковакларнинг ҳаракатчанлиги, L_n – база соҳасида ноасосий заряд ташувчиларнинг диффузия узунлиги. ВАХ маълумотлари асосида $c = 20.8$ қиймат аниқланган.

(1) ифодадаги I_0 кўпайтувчи қуйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$I_0 = \frac{kT}{q} \cdot \frac{S \cdot b \cdot ch(d / L_n)}{2(b+1) \cdot L_n \cdot \rho \cdot tg(d / 2L_n)} \quad (3)$$

(S – намуна юзаси, ρ - солиштирма қаршилик). I_0 қиймат $I_0 = 8.82 \cdot 10^{-3}$ А га тенг бўлди. (3) ифода ёрдамида ўтиш соҳаси солиштирма қаршилигининг қиймати $\rho = 2.2 \cdot 10^3$ Ом·см га тенглиги аниқланган.

Холл усули билан ўлчанганда эпитаксиал қатламнинг солиштирма қаршилиги $5.3 \cdot 10^3$ Ом·см ни ташкил қилди. Демак, $n\text{-Ge}$ таглик ва $p\text{-Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ ($0 \leq x \leq 0.03$) эпитаксиал қатлам орасида юқори қаршиликли ўтиш қатлами ҳосил бўлади, шунинг учун тадқиқ қилинаётган структурани $n\text{-p-p}^+$ -кўринишида қараш мумкин.



6-расм. $n\text{-Ge-p-Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ ($0 \leq x \leq 0.03$) гетероструктура вольт-ампер характеристикаси (а) ва унинг тўғри тармоғи логарифмик масштабда (б).

ВАХ да экспоненциал соҳадан кейин даражали боғланишли соҳалар кузатилади (б б - расм): $0.5 \div 0.9$ В ораликда квадратик соҳа – $I = 133 \cdot V^2$, сўнгра 1.4 В гача – $I = 123 \cdot V^{1.3}$ ҳамда $V > 1.4$ В да иккинчи квадратик соҳа – $I = 87 \cdot V^2$. ВАХ даги бундай боғланишларни n ва p^+ қатламларига омик контакт қилинган $n\text{-}p\text{-}p^+$ структурада, икки томонлама инжекция модели доирасида, омик релаксация режимида ток ўтишни дрейф механизми ёрдамида, рекомбинацион комплекслар ичида электрон алмашув жараёнининг инерциясини ҳисобга олган ҳолда сифат жиҳатдан тушунтириш мумкин. Бу ҳолда эркин номувозанат заряд ташувчилар концентрацияси (n) нинг ўзгаришини тавсифлайдиган асосий тенглама қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\frac{J \cdot N_a}{q(b+1)^2 n^2} \cdot \frac{dn}{dx} + U = 0 \quad (4)$$

бу ерда, J – ток зичлиги, U – номувозанатий заряд ташувчиларнинг рекомбинация тезлиги. Бу режимни «вакансия + рекомбинациявий киришма маркази» типидagi рекомбинация комплекслари мавжуд бўлган юқори қаршиликли $p\text{-Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ базага эга $n\text{-Ge-p-Ge}_{1-x}\text{Sn}_x\text{-}p^+\text{-Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ ($0 \leq x \leq 0.03$) структураларда текшираимиз. Бу ҳолда U нинг ифодаси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$U = N_R \cdot \frac{c_n c_p (np - n_i^2)}{c_n (n + n_1) + c_p (p + p_1) + c_n c_p \tau_{RS} np} \quad (5)$$

бу ерда, N_R – рекомбинациявий фаол марказларни дастлабки концентрацияси, c_n ва c_p – ушбу марказларда мос равишда электрон ва ковакларни тутиб олиш коэффициентлари, τ_{RS} – N_R ларнинг рекомбинация-стимуллашган қайта тикланиш вақти, n_1, p_1 – Шокли-Рид статистикаси факторлари.

Агар $c_n(n+n_1)+c_p(p+p_1) \gg c_n c_p \tau_{RS} np$ шарт бажарилса рекомбинация тезлиги ифодаси Шокли-Рид статистикаси ифодасига ўтади. Бу ҳолда чегаравий шартларни, яъни инжекцияловчи контактларнинг ноидеаллигини: $n(0) \sim \sqrt{J}$, $n(d) \sim \sqrt{J}$ (яъни, ток $n\text{-}p$ ўтиш орқали фақат электрон ташкил

этувчи билан эмас, балки ковак ташкил этувчи билан ҳам, шунга ўхшаш, $p-p^+$ ўтиш орқали ток фақат ковак ташкил этувчи билангина эмас, балки электрон ташкил этувчи билан ҳам аниқланади) ҳисобга олиб, (4) тенгламанинг ечими сифатида ВАХ учун қуйидаги ифодага эга бўламиз:

$$J = \frac{9}{8} \cdot \frac{q\mu_n\tau_n\mu_p N_a}{d^3} \cdot V^2 \quad (6)$$

(6) ифода $0.5 \div 0.9$ В ораликда ВАХ нинг квадратик соҳасини – $I = 133 \cdot V^2$ яхши тавсифлайди. Сўнгра инжекция даражаси ортиши билан $c_n(n+n_1)+c_p(p+p_1) > c_n c_p \tau_{RS} \cdot np$ шарт бажарилади. $c_n \approx c_p$, $p \approx n$ бўлганда рекомбинация тезлиги қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$U = \frac{p}{2\tau_n} - \frac{c_p \tau_{RS} p^2}{4\tau_n} \quad (7)$$

(7) ифода инобатга олинса, (4) тенгламанинг ечими ВАХ учун қуйидаги ифодани беради:

$$V = \sqrt{\frac{8d^3}{9q\mu_p\mu_n\tau_n N_a}} \cdot M(J) \cdot \sqrt{J} \quad (8)$$

бу ерда

$$M(J) \approx 1 + 3m \left(2 + C \tau_{RS} c_p \sqrt{J} \right)^2 \quad (9)$$

(8) ифода ток ва кучланиш орасидаги квадратик боғланишга нисбатан заифроқ боғланишни ифодалайди ва у ВАХ да кузатилган $I = 123 \cdot V^{1.3}$ га мос келади.

Агар $c_n(n+n_1)+c_p(p+p_1) \ll c_n c_p \tau_{RS} \cdot np$ бўлса рекомбинация тезлиги тўйинишга эришади ва қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$U = \frac{N_R}{\tau_{RS}} \quad (10)$$

ВАХ яна квадратик кўринишни олади:


$$J = B_0 \cdot (V - V_0)^2 \quad (11)$$

(11) ифода $V > 1.4$ В бўлганда ВАХ эга бўладиган иккинчи квадратик боғланишини тавсифлайди - $I = 87 \cdot V^2$.


Қаттиқ қоришмани таркибий қисмларининг аҳамиятини ўрганиш учун инфрақизил спектрометр ИКС-21 ёрдамида $n\text{-Ge}-p\text{-Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ ($0 \leq x \leq 0.03$) структуранинг фотосезгирлигини фотонлар энергиясига боғлиқлиги ўрганилган. Фотосезгирлик фотонлар энергиясининг турли қийматларида қисқа туташув токи ($I_{ph}(h\nu)$)ни унинг максимал қийматига нисбати ($I_{ph,max}$), яъни $I_{ph}(h\nu)/I_{ph,max}$ бўйича баҳоланди. Структуранинг фотосезгирлиги фотонлар энергиясини 0.4 дан 1.4 эВ гача бўлган оралигини эгаллади (7-расм).

«(InSb)_{1-x}(Sn₂)_x қаттиқ қоришма эпитаксиал қатламлари ва улар асосидаги гетероструктураларнинг структуравий, электрофизик, термовольтаик ва фотоэлектрик хусусиятлари» деб номланган тўртинчи

бобда $(\text{InSb})_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$ қаттиқ қоришма қатламлари ва улар асосидаги гетероструктураларнинг структуравий, электрофизик, термовольтаик ва фотоэлектрик хусусиятлари бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.



7-расм. $n\text{-Ge-p-Ge}_{1-x}\text{Sn}_x$ ($0 \leq x \leq 0.03$) гетероструктуранинг спектрал фотосезгирлиги



8-расм. $(\text{InSb})_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$ ($0 \leq x \leq 0.05$) қаттиқ қоришма қатламининг рентгенограммаси.

Қатламларни структуравий мукамаллиги ДРОН-УМ1 дифрактометрида олинган рентгенограммани тадқиқ қилиш натижалари бўйича ўрганилган. 8-расмда GaAs (100) тагликларга ўстирилган $(\text{InSb})_{1-x}(\text{Sn}_2)_x$ ($0 \leq x \leq 0.05$) қаттиқ қоришма қатламининг рентгенограммаси тасвирланган.


